

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ*

*ТОШКЕНТ КИМЁ – ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ*

*“ОЗИҚ – ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ” ФАКУЛЬТЕТИ  
“ИНФОРМАТИКА, АВТОМАТЛАШТИРИШ ВА БОШҚАРУВ” КАФЕДРАСИ*

*“Автомобил йўлларини таъмирлаш учун сурғуч тайёрлаш  
реакторини ростлаш тизимини яратиш ”*

*мавзудаги малакавий битирув ишининг*

## *ТУШУНТИРИШ ХАТИ*

*« ИАБ » кафедраси мудири:            Хасанов Ж.Ҳ.*

*Малакавий битирув ишининг    Артиков А  
рахбари:*

*Малакавий битирув ишини        Бозоров З  
бажарди:*

*ТОШКЕНТ – 2016*

## МУНДАРИЖА

1. Кириш. ....	3
2. Технологик жараён тавсифи.....	12
3. Технологик жараённи идентификациялаш.....	22
4. Технологик жараённи автоматлаштиришнинг функционал чизмаси ва баёни.....	28
5. Автоматлаштириш воситаларнинг буюртма спецификацияси .....	32
6. Автоматик ростлаш тизимининг хисоби.....	47
7. Электр манба принципиал чизмасининг баёни.....	58
8. Бошқариш тизимини архитектураси байони.....	68
9. Техник - иқтисодий хисоб қисми.....	75
10. Меҳнат муҳофазаси.....	81
11. Экология қисми.....	88
12. Фуқаро муҳофазаси.....	97
13. Хулоса.....	105
14. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	106

## КИРИШ

**Автоматлаштириш** – технологик жараёнларни одам иштирокисиз бошқарадиган техник воситаларни жорий этиш демакдир. Автоматлаштириш – ишлаб чиқариш жараёнидаги одам иштирок этмаган саноатнинг янги босқичи бўлиб, бунда, технологик ва ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш функциясини автоматик қурилмалар бажаради.

Технологик жараёнларни назорат қилиш ва автоматлаштириш – техника тараққиётининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, илмий тадқиқотларга тобора кенгрок кириб бориб, фан ва техникани ривожлантириш учун янги имкониятлар очиб беради. Шунингдек, автоматлаштириш авваллари инсонбошқаришга қодир бўла олмаган янги, юқори интенсив жараёнларни амалга оширишга, табиатда маълум бўлмаган янги, самаралиматериалларни яратишга имкон беради.

Технологик жараёнларни назорат қилиш ва автоматлаштириш— узлуксиз ривожланувчи тизим бўлиб, у ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ва фан-техниканингкўпчилик соҳалари билан узвий боғлангандир. Ишлаб чиқаришни автоматлаштиришда юқори самарадорликка эришишнинг бевосита шarti асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ҳисобланади.

АРТ ва элементларини таълил қилишда турғун турганжараёнга туртки берилганда жараёнтурғин ҳолатдан чиқади, яъни ўтиш жараёни бошланади, маълум вақт ўтиб тизим яна турғун ҳолатга қайтади, шу жараён **ўтиш жараёни** деб аталади. Ўтиш жараёни тизим динамикасига, яъни қурилмалар катта кичиклигига, бошланғич ҳолатига, турткининг кўрсаткичларига ва х.к. боғлиқ бўлади. Ўтиш жараёни икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми эркин ўзгариш хусусияти бўлиб, у тизим элеменларининг бошланғич қиймати ва тизим хоссаларига боғлиқ бўлади.

Иккинчи қисм бу мажбурий ўзгарувчиқисм бўлиб, у тизим элементлари хусусиятлари ва туртки кўрсаткичларига боғлиқ бўлади.

Кириш сигнали ростланувчи объектдан ўтиш вақтида кечикишгадучкелади.

Чиқиш катталиги кириш сигналига нисбатан амплитуда бўйича камайиб, фаза бўйича кечикади. Бу ҳодисаларни баргараф қилиш мақсадида ростланувчи объект автомат ростлагич билан таъминланади. Ростлагич созланишининг ўзгармас параметрларида бошқарувчи ёки ростловчи таъсир ва ростланувчи катталик ўртасидаги боғланиш *ростлаш қонуни* дейилади.

Технологик жараёнларда одамнинг иштирок этишига кўра автоматлаштиришни қуйидагиларга ажратиш мумкин: автоматик назорат, автоматик ростлаш ва автоматик бошқариш.

**Автоматик назорат**– технологик жараён ҳақида оператив маълумотларни автоматик равишда қабул қилиш ва уни қайта ишлаш учун керакли бўлган шароитларни таъминлайди.

**Автоматик ростлаш** – технологик жараёнларнинг тегишли параметрларини автоматик ростловчи асбоблар ёрдамида талаб қилинган сатҳда сақланишини назарда тутди. Бу ҳолда одам фақат автоматик ростлаш тизимининг (АРТ) тури ишлашини назорат қилади.

**Автоматик бошқариш**- технологик операцияларни белгиланган муттасиллигининг автоматик равишда бажарилишини ва бошқарув объектига нисбатан бўладиган таъсирларнинг муайян муттасиллигини ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу курс ишида объектдаги автоматик ростлаш жараёнини кўриб ўтамиз. Курс ишини бажаришда математик моделлаштиришнинг аналитик усулидан фойдаланамиз.

Математик моделлараналитик кўринишда, яъни математик тенгламалар тизими кўринишида ифодаланади.

Аналитик усул тизимларни бир неча хусусиятлари аввалдан маълум бўлган кичкина тизимчаларга бўлиб физика, механика, кимё қонунлари асосида моделлаштиришга асосланган бўлиб, бу тизимчалар моделларининг йиғиндиси катта тизим моделини ифода этади. Бундай ёндашув аналитик моделлаштириш

деб номланади. Турли экспериментлар ўтказиш асосида маълумотларга эга бўлиш аналитик моделлаштириш доирасига крмайди. Бу усул ёрдамида етарлича ўрганилган, хусусиятлари аввалдан маълум бўлган объектларни моделлаштиришда фойдаланилади.

## ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁН БАЁНИ

БМ-70/30 маркали битум буғ билан қиздирилувчи 1-сиғимга берилади. Сиғимда ҳарорат 110-120С да училиб турилади. Кириш кўрсаткичи сифатида битумнинг ҳарорати қиздириш учун буғнинг миқдори ҳарорат этонал пояси, буғ босими. Маҳсулотнинг чиқишида битум маълум бир сарф ва ҳароратда реакторга киритилади. Кириш кўрсаткичи сифатида сарф ва конденсат ҳарорати бўлиб ҳисобланади.

БМ-90\40 типдаги битум эса буғ билан қиздирилувчи 2-сиғимга кирилади. Сиғимда ҳарорат 110-180С да ушлаб турилади. Кириш кўрсаткичи сифатида битум ҳарорати қиздириш учун буғ сарфи, буғ энталпияси ва буғ босими. Бундан сўнг битум дозатор 2 га берилади ва битумнинг маълум бир қисми бошқа маҳсулотлар билан аралаштириш учун аралашгичга берилади. Чиқиш кўрсаткичлари эса ҳарорат ва сарф ҳисобланади.

Қовушқоқ госсйпол смоласи трубопровод орқали сиғим 3га берилади, қайсики 60-80С ҳароратда қиздирилиб аралаштирилади. Кириш кўрсаткичларига смола ҳарорати, қиздириш учун буғнинг миқдори, буғ энталпияси ва буғнинг босими бўлиб ҳисобланади. Керакли сарфда ва ҳароратда смола чиқишда дозатор 3га берилади. Кейинчалик аралаштиргичга сўнгра эса реакторга берилади. Чиқиш кўрсаткичи сарф ва конденсат ҳарорати ҳисобланади.

Сиғим-4да госсйпол смолалари тайёрланади. Смолаларнинг оксидланиши 30-40 дақиқа давомида 80-100С ҳароратда иссиқ ҳаво билан продувкालанади ва аралаштирилади. Кириш параметрлари сифатида смола ҳарорати, қиздириш учун зарур буғ, буғ энталпияси ва буғ босими ҳисобланади. Чиқишда керакли сарфдаги ва ҳароратдаги смола 4-дозаторга берилади, кейинчалик аралаштиргичга, сўнгра реакторга берилади. Чиқиш кўрсаткичи сифатида эса конденсат ҳарорати ва сарфи ҳисобланади.

Резина крошка-бу тайёрлов участкасидан олинган майдаланган чиқиндилар бўлиб, 5-сиғимга берилади, сўнгра эса реакторга берилади.

Герметик композитсион маҳсулотларнинг физик-техник кўрсаткичларига мос равишда майин майдаланган резина смеситилга берилади. 6-сигимга тайёрлов участкасидан келган маҳсулот берилади. Сўнгра дозатор бга берилади, дозаланган ҳолатда аралаштириш учун аралаштиргич кейин эса реакторга берилади.

Гранулятсияланган аралашма 7-сигимга тўлиқ ҳолатга келмагунча берилади. Аралашма майдалагичга қопқоқ очилиши билан керакли сарф ва концентратсияда берилади. Майдаланишга басалт толаси бир хил сарф, аммо бошқа концентратсияда киради, майдалашдан сўнг эса вибратор ситага берилади ва шнек орқали бункерга берилади. Ундан сўнг тозалагич-7га ҳамда реакторга берилади.

Толали аралашма 8-сигимга тўлгунча берилади. ҚопқоғИ очилишида чиқинди майдалагичга берилади. Майдалашдан сўнг вибраторга берилади ва кейинчалик шнек орқали 9-сигимга берилади, ундан сўнг эса дозатор ва реакторга берилади. Майдаланган басалт толаси 9-сигимга берилганидан дозатор 9дан ўтиб реакторга берилади.

Майдаланган янчилма 10-сигимга юкланиб, қопқоқ очилиши билан қуриштиришга берилади. Қайсики СВЧ ва ҳаво билан қуриштирилади. Ундан сўнг маълум бир сарф ва ҳарорат билан нам ҳаво киради. Шунингдек чиқинди маҳсулотнинг сарфи бўлиб, ундан сўнг 10-дозаторга берилади. Сўнгра реакторга берилади.

Воллостонит ўрта майдалашда 11-сигимга берилади. Тўлиқ бўлгунча қопқоқ очилиши билан қуриштириш камерасига берилади. Қуриштириш камерасидан майин майдалагичга берилади, сўнгра вибраторга, кейинчалик 11-дозаторга ва реакторга берилади.

Бархан қуми қуйидаги кетма-кетликда олинади: Бархан қуми 12-сигимга берилади. То тўлмагунча қопқоқ очилиши билан қуриштириш камерасига берилади. Қуриштиригичдан сўнг воллостонит механоактиватор майдалагичга майинпомол берилади. Сўнгра вибратордан ўтади. Кейинчалик дозатор 12га берилади, сўнгра реакторга берилади.

### **Шнекли аралаштиргич.**

Шнекли аралаштиргичга 5та маҳсулот берилади.БН 90\40 битум,госсиполли смола:оксидланган госсипол смоласи ;резина крошкаси,майин майдаланган резина.Ҳамма маҳсулотлар ҳар-хил ҳарорат ва сарфда берилади.Бир жинсли масса олинмагунча аралаштирилади.Чиқиш кўрсаткичи сифатида умумий сарф ва ҳарорат олинади.

### **Реактор.**

Гидроизолятсион композитсион маҳсулот олиш технологик жараёнига мос равишда ва мастис ва унинг асосида реакторга минерал тўлдирувчилар юкланади.Гашен аралашмаси,майин майдаланган басалт толаси,майин майдаланган механоактивлаштирилган волластонит ва бархан қумидир.Ушбу ҳамма маҳсулотлар дозаланган ҳолда реакторга берилади.



## Автоматлаштиришнинг функционал схемаси баёни

### Автоматлаштиришнинг функционал схемасини ташкил этишда Ўзбекистондаги ва четэлдаги адабиётлардан фойдаланилди баёнларни иловада келтирдим (Илова 1)

Технологик жараённи бошқариш ва назорат қилиш тизимларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Ростлаш тизимлари:

- а) Реактордаги ҳароратни ростлаш тизими;
- б) Реактордаги сатҳни ростлаш тизими;
- с) Сифимлардаги сатҳни ростлаш тизими;

2. Назорат тизимлари:

- а) Реактордаги босимни назорат қилиш тизими;


3. Шнек аралаштиргични электр юритгичини бошқариш тизими;

Реакторга келадиган маҳсулотлар шнекли аралаштиргичда аралашинини амалга ошириш учун магнитли юритма СИРИУС 1ЛГ4253-4АА60-3Д22 (поз. 1-2) переключател СИРИУС 3РВ20 11-0АА10 (поз. 1-3) ёрдамида ишга туширилади ва ишга тушганлик тўғрисида сигнал ГЛД5 (1-4) лампага келади. Реактордаги сатҳни сигналлаш ва ростлаш учун 2-1 позисияда сатҳ сезгир элементи ФМП 232 эндресс+Хаусер кириш чиқиш сигнали 4...20 мА, 4...20 мА жойлаштирилган. 2-2 позисияда сигнал ўзгартиргич ЛЕВЕЛФЛЕХ типидagi кабел узунлиги 1...3 м кучланиш 90-127 Б. Сатҳ қиймати масофадан бошқариш қурилмаси орқали ростлаш органига боради.


Реактордаги ҳароратини эса платинали қаршилик термометри КТСП М 226 аниқлик синфи 0.20...1% диапазон -30..350°C чиқиш сигнали рақамли 4-20 мА (6-1 поз)да, (6-2поз) да 8x2сегментли дисплейли қийматни қайд этиб борувчи миллиамперметр, (6-3 позда) ростлаш клапани Фловпро 50мм герметиклик синфи 5 да ва (6-4 поз) да ростлаш клапани фловпро 50мм герметиклик синфи 5 да жойида ўрнатилган бошқариш тизимидан иборат.

Реактордаги босимни ўлчаш қурилмаси СОПЛАНАР 3051С Диапазон 0..310 кПа 4-20мА чиқиш сигналига эга қурилма (4-1 поз)да ва (4-2 поз)да ОП23010 типдаги қурилма ёрдамида ўлчанади.

Сифимдаги сатҳни сигналлаш ва ростлаш учун 5-1 позисияда сатҳ сезгир элементи ФМП 232 эндресс+Хаусер кириш чиқиш сигнали 4...20 мА, 4...20 мА жойлаштирилган. 5-2 позисияда сигнал ўзгартиргич ЛЕВЕЛФЛЕХ типдаги кабел узунлиги 1...3 м кучланиш 90-127 В. Сатҳ қиймати масофадан бошқариш қурилмаси (5-4) (5-6) орқали ростлаш органига (5-5) (5-7) боради.



1



**АВТОМАТЛАШТИРИШ ВОСИТАЛАРИНИНГ БУЮРТМА  
СПЕЦИФИКАЦИЯСИ**

№	Ўлчанаётган катталик	Ўлчанаётган катталик ва характеристикаси	Ўрнатилган жойи	Ўлчов асбоби номи ва характеристикаси	Типи	Сони	Ишлаб чиқарилган завод	Изоҳ
1-1	ЭЛЕКТР юритгичини бошқариш	Муҳит агрессив эмас	Жойида	Кнопкали бошқариш станцияси		1		
1-2	ЭЛЕКТР юритгичини бошқариш	Муҳит агрессив эмас	Шитда	Магнитний пускател 207*220*96 мм $\gamma=50$ хз	СИР ИУС 1ЛГ4 253-4АА 60-3 Д22	1	СИ ЕМ ЕН С	
1-3	-II-	Муҳит агрессив эмас	Шитда	Переключатель 70*80*160 мм	СИР ИУС ЗРВ2 0 11-0АА 10	1	СИ ЕМ ЕН С	
НЛ1	-II-	Муҳит агрессив эмас	Жойида	Сигнал лампаси 4-20мА	ГЛД 5	1	СИ ЕМ ЕН С	

2-1	Реактордаги сатҳини сигналлаш	Муҳит агрессив эмас	Жойида	Сатҳ сезгир элементи 4...20 мА, 4...20 мА	ФМ П 232	1	Ендресс+Хаусер	
2-2	Реактордаги сатҳини сигналлаш	Муҳит агрессив эмас	Шитда	ФМП 232/332	ЛЕВ ЕЛФ ЛЕХ	1	Ендресс+Хаусер	
2-3	Реактордаги сатҳини сигналлаш	Муҳит агрессив эмас	Шитда	Сигнал лампаси кучланиши У=220 В	WEG W22	1	СБ Алтера	
2-4	-II-	Муҳит агрессив эмас	Шитда	Масофадан бошқариш панели		1		
2-5	-II-	Агрессив эмас	Жойида	Ростлаш клапани. Фловпро 50мм герметиклик синфи 5	Flowserve	1	ХОНЕ ЙВЕЛ	
3-1	Реактордаги ҳароратини ростлаш	Агрессив эмас	Жойида	Платинали қаршилик термометри КТСИ М 226 аниқлик синфи	Серис 200 М-226	1	МЕТРАН	

				0.20...1% диапазон - 30..350°C чиқиш сигнали рақамли 4- 20мА	ТСП			
3-2	Реактордаги ҳароратини ростлаш	Агрессив эмас	Шитда	8x2сегментли дисплейли қийматни қайд этиб борувчи миллиамперм етр	ОП230 10	1	МЕТ РАН	
3-3	Реактордаги ҳароратини ростлаш	Агрессив эмас	Шитда	Кнопкали масофадан бошқариш қурилмаси		1		
3-4	Реактордаги ҳароратини ростлаш	Агрессив эмас	Жойида	Ростлаш клапани. Флоупро 50мм герметиклик синфи 5	Флоупро рве	1	ХОНЕ ЙВЕ Л	
4-1	Реактордаги босимини ўлчаш	Агрессив эмас	Жойида	Босимни ўлчаш қурилмаси СОПЛАНАР 3051С	Ресемо ут 3051с	1	МЕТ РАН	

				Диапазон 0..310 кПа 4- 20мА чиқиш сигнали				
4-2	Реактордаги босимини ўлчаш	Агрессив эмас	Шитда	8x2 сегментли дисплейли қийматни қайд этиб борувчи миллиамперме тр	ОП230 10	1	МЕТ РАН	
5-1	Сифимдаги сатҳини сигналлаш	Муҳит агрессив эмас	Жойида	Сатҳ сезгир элементи 4...20 мА, 4...20 мА	ФМ П 232	1	Ендр есс +Ҳа усер	
5-2	Сифимдаги сатҳини сигналлаш	Муҳит агрессив эмас	Шитда	ФМП 232/332	ЛЕВ ЕЛФ ЛЕХ	1	Ендр есс+ Ҳаус ер	
5-3	Сифимдаги сатҳини сигналлаш	Муҳит агрессив эмас	Шитда	Сигнал лампаси кучланиши У=220 В	WEG W22	1	СБ Алт ера	
5-4	-II-	Муҳит агрессив эмас	Шитда	Масофадан бошқариш панели		1		
5-5	-II-	Агрессив эмас	Жойида	Ростлаш клапани.	Flowce	1	ҲОНЕ	

				Флоупро 50мм герметиклик синфи 5	рве		ЙВЕ Л	
5-6	-II-	Муҳит агрессив эмас	Шитда	Масофадан бошқариш панели		1		
5-7	-II-	Агрессив эмас	Жойида	Ростлаш клапани. Флоупро 50мм герметиклик синфи 5	Флоупро рве	1	ХОНЕ ЙВЕ Л	
6-1	Сигимдаги сатҳини сигналлаш	Муҳит агрессив эмас	Жойида	Сатҳ сезгир элементи 4...20 мА, 4...20 мА	ФМ П 232	1	Енд ресс +Ха усер	
6-2	Сигимдаги сатҳини сигналлаш	Муҳит агрессив эмас	Шитда	ФМП 232/332	ЛЕВ ЕЛФ ЛЕХ	1	Ендр есс+ Хаус ер	
6-3	Сигимдаги сатҳини сигналлаш	Муҳит агрессив эмас	Шитда	Сигнал лампаси кучланиши У=220 В	WEG W22	1	СБ Алт ера	
6-4	-II-	Муҳит агрессив	Шитда	Масофадан бошқариш		1		

		эмас		панели				
6-5	-II-	Агрессив эмас	Жойида	Ростлаш клапани. Флоупро 50мм герметиклик синфи 5	Флоуспе рве	1	ҲОНЕ ЙВЕ Л	
6-6	-II-	Муҳит агрессив эмас	Шитда	Масофадан бошқариш панели		1		
6-7	-II-	Агрессив эмас	Жойида	Ростлаш клапани. Флоупро 50мм герметиклик синфи 5	Флоуспе рве	1	ҲОНЕ ЙВЕ Л	



## АВТОМАТИК РОСТЛАШ ТИЗИМИ ҲИСОБИ

Буғлатиш-қайнатиш аппарати объект сифатида танлаб олинган. Буғлатиш-қайнатиш жарёнида температуранинг автоматик ростлаш тизимининг синтез қилиш масаласида кўрсаткичларнинг ичидан бошқарувчи ва бошқарилувчи кўрсаткичларни аниқлаб оламиз.

Жараёндаги ўзгартириладиган объектнинг асосий кўрсаткичи – ҳарорат бўлиб, унинг ўзгариш чегараси  $t_{\max} = 132^{\circ}\text{C}$ ;  $t_{\min} = 128^{\circ}\text{C}$ ;  $t_{\text{урт}} = 130^{\circ}\text{C}$ ; ўзгариш чегараси  $= \pm 2^{\circ}\text{C}$ . Яъни:  
 $\Delta t = \pm 2^{\circ}\text{C}$ .

Объектда маҳсулот деярли тўлиқ аралаштириб турилади. Шу сабабли курилмадаги бошқарув жараёнининг 2 сифимли деб, қабул қиламиз. Бундай объект иккита инерцион бўлинма тенгламаси билан ифодаланади:

$$W_1(p) = \frac{K_1}{T_1 \cdot p + 1}$$

Объект коэффициентларини топиш учун объектнинг кўрсаткичларига эътибор берамиз.

Бошқарилувчи объектнинг кучайтириш коэффициентини аниқлашда чиқиш параметрини кириш параметрига бўламиз. Яъни:

$$K_{\text{об}} = \frac{\Delta Y}{\Delta X}$$

Бу ерда:

$K_{об}$ -объектнинг кучайтириш коэффициенти;

$\Delta U$ - чиқиш параметри (ҳароратнинг ўзгариш чегараси), °C; **Бошқарилувчи кўрсаткич**-объектдаги ҳароратнинг  $-T$ , °C.  $t_{ург}=130^\circ\text{C}$ ;

$\Delta X$ - кириш параметри (сув бугининг сарфи),  $0.1\text{ м}^3/\text{с}$  га алмаштирамиз.

**Бошқарувчи кўрсаткич** - сувбуғи сарфи –  $G$ ,  $\text{м}^3/\text{с}$ .

Шунда,

$$\Delta X = 0.1 \text{ м}^3/\text{с}$$

Умумий кучайтириш коэффициенти

$$K_{об} = \frac{\Delta U}{\Delta X}$$

$$K = \frac{2}{0.4} = 5^\circ\text{C}/\text{м}^3/\text{сек}$$

Буғ камераси учун кучайтириш коэффициенти, асосий катталиқни ташкил қилди:

$$K1 = 5^\circ\text{C}/\text{м}^3/\text{сек}$$

Қайнаётган суюқлик квазиаппарати учун кучайтириш коэффициенти:

$$K2 = 1^\circ\text{C}/\text{м}^3/\text{сек}$$

Объектнинг кучайтириш коэффициенти топилгач, информациянинг ўртача бўлиш вақтини топамиз, бунинг учун объект информацион ҳажмини кираётган буғнинг сарфига бўламиз:

$$T = \frac{\Delta V}{\Delta X}$$

Бу ерда:

$T$  – инерция вақти, секунд;

$\Delta X$ - кириш параметри (сувнинг сарфи),  $\Delta X = 0.1 \text{ м}^3/\text{сек}$ ;

$\Delta V$ -объект ҳажми,  $\text{м}^3$ ; Буғ камераси квазиаппаратихажми  $4.5 \text{ м}^3$ , ва қайнаётган суюқлик квазиаппарати  $10 \text{ м}^3$  деб қабул қиламиз

Буғ камераси квазиаппарати учун инерция вақти:

$$T_1 = \frac{\Delta V_i}{\Delta Z_i} = 45 \text{ сек} ,$$

қайнаётган суюқлик квазиаппарати учун инерция вақти:

$$T_2 = \frac{\Delta V_i}{\Delta Z_i} = 100 \text{ сек}$$

Бу кўрсаткичлар аниқ бўлгандан кейин узатиш функциясини сон қийматини яратамиз. Объектнинг характерини узатиш функцияси орқали ифодалашда, унинг иккита коэффиценти инобатга олинади, булар: кучайтириш коэффиценти ва инерция вақти.


Кучайтириш коэффиценти ва инерция вақтини топилгандан кейин объектнинг узатиш функцияси қуйидагига тенг бўлади:

$$W_1 = \frac{K}{Ts + 1} = \frac{5}{45s + 1}$$


$$W_2 = \frac{K}{Ts + 1} = \frac{1}{100s + 1}$$

### Бошқарув объектнинг компютер моделини яратиш

Биз танлаган объект бир сиғимли эканини ҳисобга олиб, унинг компютер моделини куйида келтирилган “MATLAB” дастури асосида ҳосил қиламиз. Бунинг учун дастурнинг кутубхонасидан керакли бўлинмалар олинади. Натижада экранда куйидагича компютер модели яратилади:



Модел тузилгач унга 200 секунд ишлаш вақтини берамиз. Ҳосил бўлган динамик модел кўрсаткичлари “MATLAB” дастури асосида олинган эгри чизик ёрдамида аникланади:




**1-расм. Вақт бўйича температуранинг ўзгариши.**


## Автоматик ростлаш тизимини шакллантириш

Кейинги босқичда объектнинг оптимал бошқариш жараёни яратилади. Объектни оптимал бошқариш учун унга тўғри келадиган ростлагич танланади. Объектга ПИ (пропорционал-интеграл) ростлаш конунига биноан ростлагич танланади.

Ҳароратни автоматик ростлаш тизимининг структуравий кўриниши қуйидагича бўлади:




Ҳароратни автоматик ростлаш тизимининг “MATLAB” дастури асосидаги блок схемаси қуйида келтирилган:




Оптимальное управление системы синтез кривых, ростлагични танлаш, ростлагичнинг сошлаш параметрларининг оптималь кийматлари ( $K$ ,  $T$ ) қуйида келтирилган компьютер модели натижалари асосида аниқланади:

### Автоматик ростлаш тизимининг оптималь кўрсаткичларини аниқлаш


Компьютер модели яратилгач унга кучайтириш коэффициентини ва инерция вақтининг қийматлари киритилади ва экранда уларнинг ўтиш эгри чизиклари ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган ўтиш чизиклари орасидан оптималь бошқариш танлаб олинади:



*Кучайтириш коэффициентини  $K=0.3$  инерциялаш вақти  $T_i=100$  с.*




*Кучайтириш коэффициенти  $K=0.2$ , инерциялаш вақти  $T_i=1000$ .*




*Кучайтириш коэффициенти  $K=0.2$ , инерциялаш вақти  $T_i=3000$  с.*





*Кучайтириш коэффициенти  $K=0.04$ , инерциялаш вақти  $T_i=3300$  с.*



*Кучайтириш коэффициенти  $K=0.04$ , инерциялаш вақти  $T_i=7000$  с.*

*Демак, оптимал кўрсаткичлар  $K=0.04$ , инерциялаш вақти  $T_i=7000$  с.*

экан.

Буғлатиш-қайнатиш аппарати объект сифатида танлаб олинган. Буғлатиш-қайнатиш жарёнида температуранинг автоматик ростлаш тизимини синтез қилиш масаласида кўрсаткичларнинг ичидан бошқарувчи ва бошқарилувчи кўрсаткичларни аниқлаб оламиз.

Жараёндаги ўзгартириладиган объектнинг асосий кўрсаткичи – ҳарорат бўлиб, унинг ўзгариш чегараси  $t_{\max} = 132^{\circ}\text{C}$ ;  $t_{\min} = 128^{\circ}\text{C}$ ;  $t_{\text{урт}} = 130^{\circ}\text{C}$ ; ўзгариш чегараси  $= \pm 2^{\circ}\text{C}$ . Яъни:  
 $\Delta t = \pm 2^{\circ}\text{C}$ .

Объектда махсулот деярли тўлиқ аралаштириб турилади. Шу сабабли курилмадаги бошқарув жараёнини 2 сифимли деб, қабул қиламиз. Бундай объект иккита инерцион бўлинма тенграмаси билан ифодаланади:

$$W_1(p) = \frac{K_1}{T_1 \cdot p + 1}$$

Объект коэффициентларини топиш учун объектнинг кўрсаткичларига эътибор берамиз.

Бошқарилувчи объектнинг кучайтириш коэффициентини аниқлашда чиқиш параметрини кириш параметрига бўламиз. Яъни:

$$K_{\text{об}} = \frac{\Delta Y}{\Delta X}$$

Бу ерда:

$K_{об}$ -объектнинг кучайтириш коэффициенти;

$\Delta U$ - чиқиш параметри (ҳароратнинг ўзгариш чегараси), °C; **Бошқарилувчи кўрсаткич**-объектдаги ҳароратнинг  $-T$ , °C.  $t_{урт}=130^{\circ}\text{C}$ ;

$\Delta X$ - кириш параметри (сув бугининг сарфи),  $0.1\text{ м}^3/\text{с}$  га алмаштирамиз.

**Бошқарувчи кўрсаткич** - сувбуғи сарфи –  $G$ ,  $\text{м}^3/\text{с}$ .

Шунда,

$$\Delta X = 0.1 \text{ м}^3/\text{с}$$

Умумий кучайтириш коэффициенти

$$K_{об} = \frac{\Delta U}{\Delta X}$$

$$K = \frac{2}{0.4} = 5^{\circ}\text{C}/\text{м}^3/\text{сек}$$

Буғ камераси учун кучайтириш коэффициенти, асосий катталиқни ташкил қилди:

$$K1 = 5^{\circ}\text{C}/\text{м}^3/\text{сек}$$

Қайнаётган суюқлик квазиаппарати учун кучайтириш коэффициенти:

$$K2 = 1^{\circ}\text{C}/\text{м}^3/\text{сек}$$

Объектнинг кучайтириш коэффициенти топилгач, информациянинг ўртача бўлиш вақтини топамиз, бунинг учун объект информацион ҳажмини кираётган буғнинг сарфига бўламиз:

$$T = \frac{\Delta V}{\Delta X}$$

Бу ерда:

$T$  – инерция вақти, секунд;

$\Delta X$ - кириш параметри (сувнинг сарфи),  $\Delta X = 0.1 \text{ м}^3/\text{сек}$ ;

$\Delta V$ -объект ҳажми,  $\text{м}^3$ ; Буғ камераси квазиаппаратихажми  $4.5 \text{ м}^3$ , ва қайнаётган суюқлик квазиаппарати  $10 \text{ м}^3$  деб қабул қиламиз

Буғ камераси квазиаппарати учун инерция вақти:

$$T_1 = \frac{\Delta V_i}{\Delta Z_i} = 45 \text{ сек} ,$$

қайнаётган суюқлик квазиаппарати учун инерция вақти:

$$T_2 = \frac{\Delta V_i}{\Delta Z_i} = 100 \text{ сек}$$

Бу кўрсаткичлар аниқ бўлгандан кейин узатиш функциясини сон қийматини яратамиз. Объектнинг характерини узатиш функцияси орқали ифодалашда, унинг иккита коэффиценти инобатга олинади, булар: кучайтириш коэффиценти ва инерция вақти.


Кучайтириш коэффиценти ва инерция вақтини топилгандан кейин объектнинг узатиш функцияси қуйидагига тенг бўлади:

$$W_1 = \frac{K}{Ts + 1} = \frac{5}{45s + 1}$$


$$W_2 = \frac{K}{Ts + 1} = \frac{1}{100s + 1}$$

### Бошқарув объектнинг компютер моделини яратиш

Биз танлаган объект бир сиғимли эканини ҳисобга олиб, унинг компютер моделини куйида келтирилган “MATLAB” дастури асосида ҳосил қиламиз. Бунинг учун дастурнинг кутубхонасидан керакли бўлинмалар олинади. Натижада экранда куйидагича компютер модели яратилади:



Модел тузилгач унга 200 секунд ишлаш вақтини берамиз. Ҳосил бўлган динамик модел кўрсаткичлари “MATLAB” дастури асосида олинган эгри чизик ёрдамида аникланади:




**1-расм. Вақт бўйича температуранинг ўзгариши.**


## Автоматик ростлаш тизимини шакллантириш

Кейинги босқичда объектнинг оптимал бошқариш жараёни яратилади. Объектни оптимал бошқариш учун унга тўғри келадиган ростлагич танланади. Объектга ПИ (пропорционал-интеграл) ростлаш конунига биноан ростлагич танланади.

Ҳароратни автоматик ростлаш тизимининг структуравий кўриниши қуйидагича бўлади:




Ҳароратни автоматик ростлаш тизимининг “MATLAB” дастури асосидаги блок схемаси қуйида келтирилган:



Оптимальное проектирование системы синтеза, настройка, настройка параметров создания оптимальных параметров ( $K$ ,  $T$ ) в компьютерной модели результатов работы системы:


### Автоматическая настройка оптимальных параметров системы

Компьютерная модель позволяет изменять коэффициент усиления и время инерции, значения которых вводятся на экран, и на экране выводятся соответствующие графики. Полученные графики позволяют выбрать оптимальные параметры системы:



*Коэффициент усиления  $K=0.3$  время инерции  $T_i=100$  с.*






*Кучайтириш коэффициенти  $K=0.2$  ,инерциялаш вақти  $T_i=1000$ .*



*Кучайтириш коэффициенти  $K=0.2$ ,инерциялаш вақти  $T_i=3000$  с.*



*Кучайтириш коэффициенти  $K=0.04$ , инерциялаш вақти  $T_i=3300$  с.*

ў

*Кучайтириш коэффициенти  $K=0.04$ , инерциялаш вақти  $T_i=7000$  с.*

Демак, оптимал кўрсаткичлар  $K=0.04$ , инерциялаш вақти  $T_i=7000$  с.

экан.

## ЭЛЕКТР МАНБАА ТИЗИМИНИ ЛОЙИХАЛАШ

**Принципиал электрик схемалар.** Бу схемалар автоматлаштириш тизими бўғинларига кирувчи элементлар таркибини белгилайди, улар орасидаги боғланишларни, асбоблар ва автоматлаштириш воситаларининг электр таъминот усулларини акс эттиради. ПЕС ни ишлаб чиқиш учун дастлабки материал технологик жараёнларни автоматлаштириш схемаси (ТЖАС) ҳисобланади. ПЕС ўз навбатида бирикмаларнинг схемаларини

(монтаж схемаларини) шчитлар олди чизмаларини ва бошқа техник хужжатларни ишлаб чиқиш учун асос бўлади.


ПЕСлар Давлат стандартлари талабларига мувофиқ бажарилиб, улар схемаларни бажариш қоидаларини, схема элементларининг график ва ҳарфий белгилашларини, электр занжирлар қисмлари маркировкасини белгилаб беради. ПЕС қуйидаги тартибда ишланади: АС асосида ПЕСга талаблар ифодаланади ва унинг элементлари кетмакетлиги ўрнатилади, ифодаланган талабларнинг ҳар бири элементар занжирлар кўринишида тасвирланади; элементар занжирлар умумий схемага бирлаштирилади; аппаратура танланади ва айрим элементларнинг электрик параметрлари ҳисоб қилинади (қаршилиқлар, реле чулғамлари, контактлар юкланишлари ва ҳ. к.); схема текширилади ва тузатилади.

ПЕСни ишлаб чиқишда қуйидаги мулоҳазаларга ва талабларга амал қилинади:

- 1) соддалик ва яққоллик учун схемаларда ёйилма принципдан фойдаланилади, у шундан иборатки, турли занжирларда амал қилаётган аппарат ва асбобларнинг элементлари схеманинг ишлаши мантиқига мувофиқ уларнинг конструктив боғланишидан ташқари жойлаштирилади;
- 2) электр занжирларини тасвирлаш кетма – кетлиги назорат, сигнализатсия, бошқариш ва ростлашнинг айрим бўғинларининг эйилиш тартибига мос келиши керак;
- 3) контактлар, шунингдек бошқа улаб узилувчи қурилмалар нормал ҳолатда ўрсатилади, яъни занжирда ток бўлмаганда ёки ташқи механик таъсир бўлмаганда кўрсатилади;
- 2) ҳар бир бошқариш занжири қаршисига ўнг томондан қисқа тушунтирувчи ёзувлар берилади. Ҳар бир занжир ёзуви қўшни ёзувлардан, бу занжирлар бўлиниш жойларида чизиқлар билан ажратилади.
- 5) ПЕС да фойдаланиладиган ҳар бир аппаратга шартли ҳарфий белги берилиб, у схемада тасвирланган унинг ҳамма элементларига тааллуқли бўлади. Схемада бир неча бир хил турдаги элементлардан фойдаланилганда

харфий белгига арабча рақамлар кўринишидаги рақам қўшилади. Масалан, схемада учта оралиқ реле бўлганда улар К1, К2, К3 тарзида белгиланади.

б) ПЕС ни ўқиш қулай бўлиши учун, шунингдек улар бўйича лойиҳанинг бошқа ҳужжатларини тузиш мумкин бўлгани сабабли уларда занжирлар маркировкаланади. Ўзгарувчан токнинг куч занжирлари фазаларни белгиловчи ҳарфлар билан ва кетма – кет рақамлар билан маркаланади (А, В, С,Н,А1 ва ҳоказолар); бошқариш, сигнализация, химоя, блокировка ва ўлчаш занжирлари кетма – кет сонлар билан маркаланади (21.7-расм). Аппаратлар контактлари, реле ғалтаклари, турли коммутацияловчи қурилмалар, сигнализация аппаратураси ва ҳоказолар билан ажратилган занжир қисмлари ҳар хил маркаланади. Битта ПЕС бўғинида бирлашувчи, шунингдек, ажралувчи контакт бирикмалар орқали ўтувчи қисмлар бир хил маркаланади.




**1- расм. Асинхрон электр двигателни бошқаришнинг принципиал электр схемаси.**

ПЕСнинг мазмуни ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига хос хусусияти билан белгиланади, бу жараён учун автоматлаштириш тизими ишлаб

чиқарилади. ПЕС га қуйидагилар албатта кириши керак: бош (куч) занжирлари схемаси, бошқаришнинг, сигналлашнинг, электр таъминотнинг тегишли изоляциячи ёзувлари билан бирга элемент схемалари, контакт калитлари ва программа қурилмаларининг ишлаш (уланиш) диаграммалари, ПЕСга кирувчи элементлар рўйхати.

ПЕСнинг тузилишини аниқ мисоллар асосида муфассалроқ қараб чиқамиз. Асинхрон электр двигател СВ2 тугмачани босиб ишга туширилади. Бунда магнит юриткич КМ чулғамининг таъминот (манба) занжири уланади. Юргизиб юборгич ишлаганда унинг куч занжиридаги контактлари электр двигателни улайди, бошқариш занжирида эса СВ2 тугмачани блокировкалайди (тўсади). СВ1 тугмача босилиб электр двигател узилади, бу тугмача юргизиб юборгич чулғами манба занжирини узади. Электр двигателни ортиқча юкланишлардан ҳимоя қилиш учун КК1 ва КК2 иссиқлик релеларидан фойдаланилади, уларнинг иситиш элементлари куч занжирининг иккита фазасига уланган, контактлар эса юргизиб юборгич чулғами манба занжирига уланган. Электр двигател ва бошқариш занжирлари қисқа туташувдан ФУ сақлагичлар ёрдамида ҳимоя қилинади. СА рубилник манба (ва бошқариш занжирлари)ни кузатиш ҳамда таъминлаш вақтида узиб қуйиш учун мўлжалланган. Неутрали эрга уланган уч фазали занжирларда бошқариш занжирлари 220В ли фаза кучлари билан таъминланади.



**2-расм. Реверсив асинхрон электр двигателни бошқаришнинг  
принципиал электр схемаси.**

Реверсив асинхрон электр двигател (2-расм) учта тугмача орқали бошқарилади: СВ1 («Тўхта»), СВ2 («Олға»), СВ3 («Орқага»). СВ2 тугмача босилганда КМ магнитли юргизиб юборгич уланиб, у электр двигателга кучланиш узатади. Электр двигателнинг айланиш йўналишни ўзгартириш учун СВ1 тугмачани босиш, кейин эса КМ2 магнитли юргизиб юборгични уловчи СВ3 тугмачани босиш лозим. Натижада куч занжири фазалари уланади ва электр двигател тескари йўналишда айлана бошлайди. Узувчи КМ1 ва КМ2 блок – контактларнинг фойдаланиши реверсив магнитли юргизиб юборгичнинг иккала чулғамини бир вақтда уланиш имкониятини йўқотади. Электр двигателни тармоқ манбаидан узиш учун автоматик ҚФ узгич қурилмаси кўзда тутилган бўлиб, у электр двигателни ортиқча юкланишлардан ва қисқа туташувдан ҳимоя қилади. Бошқариш занжирида фазалараро кучланиш фойдаланилган.

ЭЛЕКТР манбаа тизимини лойihalашни куйидаги кетма-кетликда амалга оширилди.

- манбаани танлаш;
- автоматлаштириш тизимларининг манбаа шчитлари ва йиғилмаларини танлаш ва жойлаштириш;
- Манбаа тармоғини лойихалаш;
- тақсимлаш тармоғини лойихалаш;
- ЭЛЕКТР манбаа принципиал чизмасини бажариш.

### **Манбаани танлаш**

ЭЛЕКТР манбаа тизими манбаасини асбобларни нормал ишлашини таъминловчи кучланиш ва қувватига мос равишда танланади. Одатда, ўлчов асбобларига берилаётган манбаанинг ўзгариши номинал қийматдан - 5÷+10%га рухсат берилади.

Таъминлаш ва тақсимлаш тармоғларининг бошқариш ва химоялаш аппаратларини (рубилниклар, автоматлар, қисқа туташдан сақлагичлар) манбаа шчитлари ва йиғилмаларига жойлаштирилади.

ЭЛЕКТР юритмалари ва асбоблар юкламалари нисбатига қараб, электр юритмаларга манбаани алохида (ЭЛЕКТР юритмалар қуввати юқори бўлганда) ёки бирга битта манбаа шчити ва йиғилмасидан амалга ошириш мумкин.

### **Манбаа тармоғини лойихалаш**

Манбаа тармоғини лойихалаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Кучланишни, фаза ва симлар сонин ва манбаа тармоғи коноригуратсиясини танлаш;
- резерв масаласини хал қилиш;
- бошқариш ва химоя аппаратларини жойлаштириш.

ЭЛЕКТР манбаа тизимларида одатда уч фазали ўзгарувчан ток (380/220В кучланишли ёки 220/127В ҳам бўлиши мумкин) қўлланилади.

Манбаа тармоғи учун фазалар ва симлар сонини ушбу тизимдаги автоматлаштириш воситалари ва асбоблари турига қараб танланади.

Бир фазали электр қабул қилувчилар учун бир фазали икки симли (фазанол) ва икки фазали (фаза-фаза) тармоқлар ишлатилади.

Агар тармоқга юклама жуда катта бўлса уч фазали манбаа тармоқлари ишлатилади. Шунингдек, уч фазали электр қабул қилувчилар учун ҳам уч фазали тармоқлар ишлатилади.

### **Бошқариш ва химоя аппаратларини танлаш ва жойлаштириш**

ЭЛЕКТР манбаа тизимларида бошқариш аппаратлари сифатида рубилниклар, пакетли ўчиргичлар тумблерлар ишлатилади. Автоматлар бошқариш ва химоя функцияларини баробар бажарадилар.

Сақлагичлар тармоқ ва алоҳида электр қабул қилувчиларни қиксқа туташ ва ортиқча юкламалардан химоя қилиш учун ишлатилади. Сақлагичлили рубилниклар автоматлардан содда ва арзон бўлади. Бу аппаратлар манбааси уланган жойда ва шчит ва автоматлаштириш тизимларининг манбаа йиғинмаларга киришда ўрнатилади.

### **Тақсимлаш тармоғини лойихалаш**

ЭЛЕКТР манбаа тизимини тақсимлаш тармоғини лойихалаш манбаа тармоғини лойихалашдаги оператсиялар каби амалга оширилади. Хар бир электр қабул қилувчи шчит ёки манбаа йиғилмасига алоҳида родиал чизик бўйлаб уланади.

Кучланишни танлаш манбаа тармоғини лойихалашдагидек. Шчитларни статсионар ёритиш учун 220в кучланишдан фойдаланилади. Шкафли шчитларда тор жойда ишларни бажаришда 36в ёки 12в кучланишдан фойдаланилади. Баъзи асбобларга манбаа трансформаторлар орқали берилади.

### **Химоя ва бошқариш аппаратларини танлаш**

Тақсимлаш тармоғида кўпинча пакетли ўчиргичлар, сақлагичлар ишлатилади.

Автоматлар қисқа туташиниш тоқларига сезгир бўлса қўлланилади.

Агар асбобнинг ўзида ўчиргич ва сақлагичлари бўлса, унда унга химоя ва бошқариш аппаратлари ўрнатилмайди.



ЭЛЕКТР юритмалар, ижрочи қурилмаларнинг манбаа занжирида химоя ва бошқариш аппаратлари сифатида рубилник, сақлагич, магнитли ёқувчи ёки автомат ва магнитли ёқувчилар ишлатилади.

### **Манбаа принципиал электр чизмаларини бажариш**

Манбаа принципиал электр чизмалари манбаа ва тақсимлаш тармоқлари учун алоҳида ёки битта чизмада берилиши мумкин.

Манбаа тармоғи чизмасида химоя ва бошқариш аппаратлари кўрсатилади. Аппаратлар алоҳида харф-рақам белгиланиш, кучланишнинг номинал қиймати кўрсатилади.

Тақсимланиш занжирлари чизмасида манбаанинг кириши ва чиқишларни кўрсатилади. Ҳамда электр қабул қилувчиларга, химоя ва бошқарув аппаратларига, трансформаторларга, манбаа ёритиш лампаларига чиқишлар кўрсатилади. Чизманинг пастки қисмида жадвал берилиб, ушбу манбаа шчитидан унда-ЭЛЕКТР қабул қилувчилар рўйхати келтирилади, яна спетсификатсия бўйича позитсия номерлари, қуввати, кучланиши ва ўрнатилиш жойи кўрсатилади. Шунингдек элементларнинг харфли-рақамли белгиланишлари кўрсатилади. Манбаа чизмасидаги ҳамма занжирлар маркировкаланади. Шартли белгиланишлар, харфли белгиланишлар худди бошқариш ва сигналлаш чизмаларидагидек ГОСТ 2.710-81, ГОСТ 2.755-87, ГОСТ 2.747-69, ГОСТ 2.755-76 бўйича амалга оширилади.

### **Бошқариш тизими архитектураси баёни**

Кимё ва озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда меҳнат унумдорлигини оширишда илмий-техника тараққиётининг асосий йўналишларидан бири бўлган технологик жараёнларнинг автоматлаштирилган бошқариш тизими (ТЖАБТ)ни яратиш ва татбиқ этишдир. Ҳисоблаш техникаси асосида яратилган ТЖАБТ лар, технологик комплексларни бошқаришда маҳсулотнинг сифат ва қиймат кўрсаткичларини маълум технологик ва техника-иқтисодий мезонлардан фойдаланиб,

ахборотларни марказлашган тарзда ҳисоблайди. Кимё ва озиқ-овқат саноатида ўзгариб турадиган ташқи муҳитнинг таъсирлари шароитида ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланиш ТЖАБТнинг асосий масаласидир.

Технологик жараёнларнинг автоматлаштирилган бошқариш тизимларини саноатга татбиқ этиш ишлаб чиқариш унумдорлигини, технологик ускуналар қуввати ўзгармаган олда маҳсулот қийматининг кўпайишини кўрсатади: хом ашё, ярим фабрикатлар ва энергия керагича сарфланган ҳолда тайёрланган маҳсулотнинг сифати яхшиланган. Шуниси диққатга сазоворки, бу тизимларни яратишга кетган маблағлар, одатда бир, бир ярим йилда ўзини қоплаган; маҳсулотларнинг сифати, иқтисодий кўрсатикичлар яхшиланибгина қолмай, балки меҳнатнинг характери ва шароитига ҳам ижобий таъсир этган.

ТЖАБТ ларни қуйидаги белгилари бўйича синфларга бўлиш мумкин:

- 1) автоматлаштирилаётган ишлаб чиқаришнинг характери бўйича ;
- 2) бошқариш объектларининг мураккаблиги бўйича;
- 3) функционал алгоритмик белгиси бўйича(тизим ҳисоблайдиган бошқариш масалалари кўлами ва ахборот ҳажми);
- 4) тизимнинг техник даражаси бўйича;.

Бошқаришнинг объектларининг мураккаблик даражаси сифатида назорат қилинаётган параметрлар ва бошқарув таъсирларининг қиймати ифодаланади.ТЖАБТ нинг номенклатура асосини олдиндан тахминан белгилаб беради ва тадқиқот планига асос бўлиб хизмат қилади.

Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, ТЖАБТ ёрдамида технологик жараёнларни автоматик ва автоматлаштирилган (одам иштирокида) равишда ташкил этиш мумкин, унинг ишлаб чиқаришнинг АБТ сидан принципиал фарқи ҳам шудир, одам бунда корхонанинг иқтисодий фаолиятини бошқариш занжирида иштирок этади

Технологик жараёнлар даражасидаги бошқариш тизимлари реал вақт масшбаида, яъни технологик жараёнлар билан бир вақтда ишлаши лозим. Бу ҳолда бошқарувчи ҳисоблаш машинасига (БХМ) ахборотлар ҳажми

чекланган массивлар шаклида эмас, балки амалда чексиз тасодифий кетма-кетликлар шаклида берилади. Ахборотларни қайта ишлаш эса чекланган вақт бирлигида бажарилади, уларнинг қиймати бошқариш вазифаси ва объектларнинг динамик хусусиятларига боғлиқ. Бундан ТЖАБТ ларни алгоритмик таъминлашда қўшимча талаблар вужудга келади: улар ўзларини иқтисодий жиҳатдан оқлашлари лозим, яъни биринчидан, ахборотни қайта ишлашга кетган вақт бўйича, иккинчидан эса БХМ нинг хотирасидан фойдаланиш ҳажми бўйича, бошқача қилиб айтганда келаётган ахборотни ўз вақтида «кўриб чиқиш» керак. Бу талабларга итератив циклик ҳисоблаш (стахостик аппроксимация йўли билан ҳисоблаш, рекурсив регрессия йўли ва шу кабилар) усули жавоб беради. Улардан қуйидаги масалаларни ҳал қилишда фойдаланиш мумкин:

1) технологик назорат ва техника-иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш вазифаларини ўрганганда керакли фойдали сигнални ажратиб олиш;

2) кўп ўлчашли, рақамли бошқаришда;

3) идентификациялаш ва адаптациялашда;

4) оптималлаш ва координатлашда.

Техник даражаси ва мураккаблигининг ортишига қараб ТЖАБТ ни локал, комплекс ва интегралланган тизимларга ажратиш мумкин.

ТЖАБТ лар мураккаб, кўп функцияли тизимлар турига киради. Бу синфнинг кўп функциялилиги қатор омиллар билан ифодаланади, яъни: идентификациялаш, назорат, ҳимоя ва блокировка, ростлаш ва бошқариш каби айрим функционал ёрдамчи тизимларнинг борлиги; локал, айрим бошқариш масалаларининг умумий, глобал мақсадга бўйсунининг натижаси; ёрдамчи тизимлар орасидаги( кўп сонли алоқаларнинг борлиги; айрим объектларни бошқаришнинг марказлашуви ва, ниҳоят, турли функцияларни бажаришда бир хил техник воситалардан фойдаланиш имконияти мавжудлигидир. ТЖАБТ лар бажарган функцияларни қуйидаги уч гуруҳга бўлиш мумкин: ахборот, бошқарув ва ёрдамчи.

ТЖАБТ ларнинг ахборот функциялари ишлаб чиқариш ходимларига (операторларга, диспетчерларга) технологик жараёнда бўлаётган ўзгаришларни ўз вақтида билишга имконият яратади, технологик жараёнларнинг кетиши аниқ ахборотлар ишлаб чиқишда кераксиз маҳсулотлар камайишига олиб келади. ТЖАБТ ларнинг ахборот функциялари қуйидагичадир:

1) техник ва технологик ахборотдарни тўплаш, дастлабки ишлаш ва сақлаш;

2) жараён ва технологик ускуналар ҳолатининг параметрларини билвосита ўлчаш;

3) технологик жараён ва ускуналар параметрларининг ҳолатини белгилаш ҳамда сигнал бериш;

4) технологик жараён ва технологик ускуналарнинг ишлаши ҳақида техника-иқтисодий ва фойдаланиш кўрсаткичларини ҳисоблаш;

5) юқори ва қўшни тизимларга ҳамда бошқариш босқичларига ахборотни тайёрлаб бериш;

6) технологик жараён параметрлари, технологик ускунанинг ҳолати ва натижаларни қайд қилиш;

7) жараён параметрлари ва ускуналар ҳолатида берилган қийматдан фарқларини назорат қилиш;

8) технологик ускуналарнинг ҳимоя ва блокировка воситалари ишини таҳлил этиш;

9) техник воситалар комплекслари ҳолатини диагноз қилиш ва олдиндан айтиш;

10) технологик жараёнларни олиб бориш, шунингдек, технологик ускуналарни бошқариш учун ахборот ва кўсатмаларни оператив равишда тайёрлаш;

11) юқори босқичли ва қўшни бошқариш тизимлари билан ахборотнинг автоматик алмашилишини таъминлаш.

Бу маънода бошқарилаётган технологик жараён деганда киришдаги назорат қилинаётган параметрлари аниқланган, объектнинг киришидаги таъсирлари билан чиқиш параметрлари орасидаги боғланиши топилган ва жараённинг бошқариш усулларига асосланган жараёнга айтилади.

Хозирги вақтда МЕТРАН тизими микропроцесс қурилмаларининг йиғиндисидан иборат бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматик бошқариш тизимларида учрайдиган ҳар қандай вазифаларни юқори ишонччиликда ва оператив равишда ечиш имкониятига эга.

Бу тизим унификацияланган, бирлашган архитектурадан иборат бўлиб, фавқулотда вазиятлар, ҳимоя ва блокировка воситалари ҳамда информацияни бошқариш каби технологияларни ўз ичига олади.

Тизимнинг тақсимланган функциялари узлуксиз, мантиқан ва кетма-кет бошқаришга асосланган резервлашган контроллердан иборат. Умумишлаб чиқариш архитектурасини бирлаштирган бу тизим керакли маҳсулотни керакли вақтда тайёрлаш, жараённи оптималлаштириш ва автоматлаштириш, шу билан бирга бахтсиз ҳодисаларнинг камайишига имкониятини яратади.

Унификацияланган бошқариш архитектураси ишлаб чиқариш жараёнларини ахборотлар ва билимлар базаси орқали бирлаштиришни таъминлайди.

Experion PKS асосидаги автоматик бошқариш тизими (АБТ) ёки технологик жараёнларни автоматик бошқариш тизими архитектураси (ТЖАБТ) кўп поғонали иерархик тизимни ифодалайди. Бундай тизимларнинг асосий критериялари – ишонччилик, замонавийлик ва тезкор ахборот алмашилишдан иборат.

Умумий ҳолатда автоматик бошқариш 5та блокдан тузилган:

- **Оператор хонаси**
- **Мухандислик хонаси**
- **Серверхона**
- **Аппарат хонаси**

- **Технологик майдон**

**Технологик майдон** – бирламчи сигнал ўзгартиргичлар, ижрочи механизмлар бевосида ўрнатиладиган жой, яъни технологик жиҳозлар, бинонинг ўзи ёки аппарат.

**Аппарат хонаси** – автоматлаштиришнинг мантикий-аппарат ускуналари ўрнатиладиган жой.

Автоматлаштириш тизимини бошқариш ҳуқуқи иерархияси куйидаги кўринишга эга:

- *Менеджер*
- *Мухандис*
- *Оператор*

Оператор – бошқариш ҳуқуқининг пастки даражаси, ўзининг участкасидаги бошқариш тизимини амалга ошириш ҳуқуқига эга (ишга тушириш/маълум бир технологик циклни тўхтатиш, рецептурага риоя этиш, технологик жараённинг тўғри кечишини назорат қилиш).

Мухандис (мухандис-технолог) – бошқариш ҳуқуқининг ўрта даражаси, операторнинг ҳуқуқлари билан бир қаторда жараёни оптималлаштириш алгоритмининг амалга ошириш ҳуқуқига эга, шунингдек ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар қандай участкасида оператор вазифасини бажариш ҳуқуқига эга, яъни ишлаб чиқариш жараёнига кенг назар билан қарайди.

Менеджер – ҳам оператор, ҳам мухандис ҳуқуқига эгал бўлиши билан бирга жараённинг мантикий дастурига кириш, дастурга тузатишлар ва ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.

